

ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**Республика илмий мақолалар
Тўплами**

УЎК 107.8.2
КБК 81.(5Ўзб)5
Т45

Ушбу тўшам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875 сонли Қарори ижросига бағишланган бўлиб, унда филологиянинг умумий масалалари, ўзбек ва хорижий тилларда таълим, ўрта, ўрта махсус ва олий таълимда чет тилларни ўқитиш ҳамда чет тилларни ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш масалалари ҳар томонлама очиб берилган. Тўшамнинг асосий мақсади чет тилларни ўрганиш, ўзбек ва хорижий филологиянинг долзарб масалаларини ёритиш ҳамда улардаги хулосаларни оммалаштиришдан иборат.

Масъул муҳаррир:

Ҳикматова М. Н. – Факултетлараро чет тиллар кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

Тахрир хайъати:

Ҳайдаров А. А. – Филология факултети декани, ф.ф.н., доцент

Қиличев Б. Э. – Ўзбек филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

Мавлонова Ў. Ҳ. - Факултетлараро чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Шукурова Н. - Факултетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

Файзуллаев О.М. - Факултетлараро чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Гадоева М. И. – Инглиз филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

Абдуллаева Д. А. – БухТИ доценти, ф.ф.н.

Тўшамда нашр этилган мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар масъулдирлар.

ISBN 978-9943-3829-5-4

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ТИЛ ВА НУТҚ МАШҚЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳикматова М.Н. (БДУ, доцент),
Авезова Н.С. (БДУ)

Ҳозирги кунда чет тилларни ўқитиш “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” билан бирга узлуксиз таълимни жорий қилиш ва уни жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтариш борасидаги долзарб масалалар қаторига қўшилди. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримовнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ 18-75 Қарори бу борадаги ишларни янада яхшилашга замин яратди. Чет тилларни ўргатишда таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларнинг тадбиқ этилиши техника воситалари яъни интернет, компьютер, масофали ўқитишнинг самарали қўлланилиши натижасида чет тилининг ўқитилишига бўлган талаб янада кучайтирилди.

Чет тили амалий машғулотларида тил ва нутқ машқларига асосий эътиборни қаратиш лозим. Тил ва нутқ машқларининг асосий характеристикаси шундан иборатки, уларда баён қилинадиган фикрнинг мазмуни олдиндан маълум бўлиши лозим, шунинг учун талабаларнинг бутун эътибори ўзлаштирилиши керак бўлган тил шаклларида жалб этилади. Булар (Gap Fill) бўш қолдирилган жойларни тўлдириш яъни лексика, керакли предлоглар, олмошлар, артиклар, у ёки бу шаклдаги феъллар билан тўлдириш ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Талабага бирор грамматик ҳодисага мисол келтириш учун ўзларига гап тузиш топширилганда ҳам топшириқнинг тилга оид томонидан ташқари маъно томонидан ҳам ўйлаб кўришни топшириш лозим. Одатда улар фақат гапиришга ҳаракат қиладилар, мазмун эса ҳар доим ҳам талабга жавоб бермаслиги мумкин.

Оғзаки нутқни ривожлантиришга оид машқларни бажаришда масала ўзгача қўйилиши талаб этилади. Бундай машқларнинг асосий мақсади ҳам тил материални ўзлаштириш ва уни автоматлаштириш бўлсада, бажарилиш характерига кўра улар нутқ машқларига яқинлашади. Бу машқларда вазифалар шундай ифодаланганки, улар ситуатив характерга эга бўлади, талабаларнинг вазифалари ҳам фақат тил шаклини ўзлаштиришгина эмас, балки вазиятни ўз мазмуни билан тўлдиришдан иборат бўлиб, бунда шакл берилган миқдор ҳисобланади, чунки у вазифанинг ичида берилган бўлади. Бу машқларнинг тил машқларидан асосий фарқи ҳам мана шундадир. Булар ҳали тўла маънодаги нутқ машқлари эмас, чунки нутқ машқларининг маъноси шундаки, улар тил материални танлашга бефарқдирлар. Нутқ машқларининг асосий мақсади тил ўрганувчиларнинг гапираётганларида ўз фикрларини баён этишларидадир.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----------|
| I БОБ. ФИЛОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ | 3 |
| Хайдаров А.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 18 -75 қарори амалда | 3 |
| Ҳикматова М.Н. Чет тилларни ўрганишда фанлараро алоқадорликнинг ўрни..... | 4 |
| Ш.Н.Ахмедова. Сўзбоши яратиш йўлидаги изланишлар | 5 |
| Д.С.Ўраева. Байроннинг “Паризина” достонида шарқона тасвирлар | 8 |
| Ш.Н.Ахмедова, М. Давронова. Адабий танқид шоир ижоди ҳақида | 10 |
| Ҳикматова М.Н. Аvezова Н.С. Чет тилини ўргатишда тил ва нутқ машқларининг аҳамияти..... | 13 |
| Мавлонова Ў. Ҳ., Қодиров Д. Ҳ. Таржимашуносликда реалияларнинг атоқли отлар ва диалектизмлар билан боғлиқлиги..... | 14 |
| Махсудова М. У. Реалия тушунчаси муаммоси ва унинг хусусиятлари. 16 | 16 |
| Бозорова В. М. Лингвистикада лакунлар ва реалиялар масаласи..... | 18 |
| Ruziyeva Nafisa Zarifovna. Definition of realia..... | 21 |
| Ахмедова Х. Ш. Своеобразие психологического портрета персонажей романа «Эмма» | 23 |
| Ruziyeva Nafisa Zarifovna. Implementation of realia | 25 |
| Самадова Севара Ахатовна. Чет тилидаги ёзма нутқни ўстириш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар | 27 |
| Ruziyeva Nafisa Zarifovna. The strategies of using realia | 31 |
| Жўраева М.М. Модаллик категориясида лингвомаданият масалалари .. | 33 |
| Кулдашева Н.Б. Монтескьенинг “Форс номлари” асарида шарқ тилидан ўзлашган сўзларнинг француз тилида берилиши | 35 |
| Жўраева М.М. Француз тилида “истак” фреймининг конструкцияларга бўлиниши | 37 |
| Нодира Сайфиддинова, Маърифат Ражабова. Александр Дюманинг “Граф Монте - Кристо” асарида тақдир талқини | 40 |
| Ахмедова Х.Ш., Атаева С.Р. Формы анализа психологии персонажей в романе Джейн Остин «Эмма» | 42 |
| Сафарова Ҳ. О., Фуломова Шохсанам. Ибрат – тарихчи олим | 44 |
| Курбанова Ш.Х. Формирование иноязычной коммуникативной компетенции..... | 47 |
| Курбанова Ш.Х. Особенности технического перевода..... | 48 |
| Курбанова Ш.Х. Особенности технического перевода..... | 50 |
| Ahmedov Atoulo. Turkiy tillar leksikasi borasida ba'zi mulohazalar..... | 53 |
| Д. Шарипова, Г. Саидова. Метафораларнинг маданиятдаги ўрни..... | 55 |
| Д. Шарипова, Г. Саидова. Метафораларнинг маданиятдаги ўрни | 55 |
| Кувандыкова Х. Б., Ачилова Самира. Использование идиом в речи | 57 |
| Кадырова Н. А. Влияние экономического развития на сохранение мирового языкового разнообразия | 60 |
| Хамдамова Г.Х. Лингвистик майдон назарияси ҳақида..... | 62 |
| Г.Назарова. Метафизик шеърят ва унинг хусусиятлари..... | 62 |